



**15-16 APREL  
2022**

**TOSHKENT  
O‘ZBEKISTON**

**“GEOGRAFIK TADQIQOTLAR: INNOVATSION G‘OYALAR  
VA RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI”**

**XALQARO ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA**



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O‘RTA MAXSUS TA’LIM  
VAZIRLIGI  
MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI  
G.O. MAVLONOV NOMIDAGI SEYSMOLOGIYA INSTITUTI**

**O‘ZBEKISTON GEOGRAFIYA JAMIYATI**

**“TADQIQOT.UZ”  
XALQARO ILMIIY JURNALLAR PORTALI**

**GEOGRAFIK TADQIQOTLAR:  
INNOVATSION G‘OYALAR VA RIVOJLANISH  
ISTIQBOLLARI**

**II  
XALQARO ILMIIY-AMALIIY KONFERENSIYA  
MATERIALLARI**

**TO‘PLAMI**

**Toshkent - 2023**

**Geografik tadqiqotlar: innovatsion g‘oyalar va rivojlanish istiqbollari:**  
II Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to‘plam (15–16-aprel, 2022-yil, Toshkent). –Toshkent.: TADQIQOT.UZ, 2023. – 847 bet.



<http://doi.org/10.5281/zenodo.4751426>

To‘plamda keltirilgan ilmiy tadqiqot ishlari natijalaridan tabiiy geografiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va tabiiy resurslardan oqilona foydalanish, iqtisodiy va ijtimoiy geografiya, xorijiy mamlakatlar iqtisodiyoti va mamlakatshunoslik, tashqi iqtisodiy faoliyat, turizm, gidrologiya, gidrometeorologiya, geologiya, geodeziya, kartografiya hamda geoinformatika sohalaridagi mutaxassislar, ilmiy xodimlar, mustaqil izlanuvchilar, doktorantlar, magistratura va bakalavriat talabalari, umumiy o‘rta ta’lim maktablari, o‘rta maxsus, kasb-hunar ta’limi muassasalari o‘qituvchilari hamda geografiya faniga qiziquvchilar foydalanishlari mumkin.

**Tahrir kengashi:**

g.f.d., professor Hikmatov F.H.  
g.f.d., katta ilmiy xodim Rafiqov V.A.  
g.f.n., dotsent Sharipov Sh.M.

**Kengash a‘zolari:**

g.f.n., dotsent Tashtayeva S.K.  
g.f.n., dotsent Shomurodova N.T.  
PhD, dotsent Shomurodova Sh.G‘.  
PhD, dotsent Prenov Sh.M.  
PhD, dotsent Raxmonov D.N.  
PhD, dotsent Raxmonov K.R.  
PhD, dotsent Umirzoqov G‘.O‘.

**Mas’ul muharrir:**

Ibragimov Sh.U.

©Mualliflar jamoasi

©tadqiqot.uz

## МИРЗАЧЎЛ МИНТАҚАСИ ШАҲАРЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

**Мусаев Бекзод Муродович**

таянч докторант

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети

e-mail: musayev1985@mail.ru

**Аннотация:** Ушбу мақолада Мирзачўл иқтисодий ройони шаҳар аҳоли манзилгоҳлари тарихи ва ҳозирги ҳолати таҳлил қилинган, шаҳар аҳоли манзилгоҳларининг ривожланиш даврлари босқичларга ажратилиб, уларнинг ўтмиши ва бугунги ҳолати ҳамда ривожланиш муаммолари кўриб чиқилган.

**Калит сўзлар:** Кўриқ ерлар, қадимий шаҳар, янги шаҳар, урбанизация, йирик шаҳар, шаҳарча, аҳоли манзилгоҳлари, урбанизация даражаси.

## MIRZACHUL REGION THE STAGES OF FORMATION AND DEVELOPMENT OF CITIES

**Musayev Bekzod**

**Abstract:** This article analyzes the history and current status of urban settlements in Mirzachul economic region, divides the stages of development of urban settlements into stages, compares their past and present status, and discusses the functional types and classifications of cities and development problems.

**Key word:** Protected lands, ancient city, new city, urbanization, big city, town, settlements, level of urbanization.

XX асрнинг 80-йилларида Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари асосида Мирзачўл иқтисодий райони ташкил этилди. XX асрнинг охириги ўттиз йили Мирзачўл иқтисодий райони учун ўзига хос ривожланиш даври ҳисобланади. Айнан ана шу даврда, кўриқ ерларнинг ўзлаштирилиши, муносабати билан иқтисодий районга қўшни вилоятлардан аҳоли кўчирилиб келтирила бошланди, натижада, янги кўплаб аҳоли манзилгоҳлари, шаҳарчалар ҳамда шаҳарларнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Мирзачўлда кўриқ ерларни ўзлаштириш натижасида шаҳар ва қишлоқ аҳоли манзилгоҳларининг шаклланишини кўпроқ Собик иттифоқ даври билан боғлаб келинади, бироқ Мирзачўл атрофида антик даврлардан ўтроқ ҳаёт шаклланиб, урбанистик жараёнлар пайдо бўлганлиги тарихий манбалардан маълум.



Иқтисодий район республика ҳудудининг 5,7 фоизини ташкил қилади. Унда республика аҳолисининг 6,5 фоизи истиқомат қилади. Мустақиллик йилларида минтақа аҳоли манзилгоҳлари сон жиҳатдан эмас аксинча сифат жиҳатдан ўзгаришлар юз берди. Ҳозирги вақтда бу ерда 78 та шаҳар ва шаҳарчалар мавжуд бўлиб, шаҳар аҳоли манзилгоҳларида иқтисодий район аҳолисининг 45,4 фоизи истиқомат қилади.

Эрамиздан аввалги II асрларда Мирзачўлда урбанизация жараёнларининг ривожланишида Буюк Ипак йўли муҳим аҳамият касб этган. Юнон-Македон мустамлакаси таъсирининг камайиши туфайли, Хитойни Фарғона водийси билан боғловчи савдо йўли Мирзачўлнинг жанубий қисмидан ўтиб, Самарқанд шаҳрига борган. “Мирзачўл ҳудудида қадимги шаҳарлар унинг жанубида савдо-алоқа йўллари туфайли пайдо бўлган. Буни биз Хўжанд – Жиззах йўналишида илк ўрта асрларда йирик савдо марказлари бўлган Сават, Жиззах, Ховос, Куркат, Бунжикат каби шаҳарлар мисолида кўришимиз мумкин”[1, 7-с.].

Мирзачўлнинг Буюк Ипак йўли ўтган ҳудудларида янги ерлар ўзлаштирилиб аҳоли ўтроқлаша бошлаган, карвонсарой, қалъа-қўрғонлар бунёд этишган ҳамда шаҳарсозлик ривожланиб борган.

Мирзачўл иқтисодий районининг Сирдарё вилояти ҳудуди ўрта асрларда шимолий Уструшона таркибига кирган ва ҳудуднинг катта қисми чўл бўлишига қарамасдан, бу ерларда роботлар, карвонсаройлар, тоғ олди ҳудудларида эса ўрта асрларда бир қатор қалъа – қўрғонлар, шаҳарлар қад ростлаган. Араб сайёҳ олимлари Истахрий ва ибн Ҳавқалларнинг маълумотларига кўра, Уструшонанинг пойтахти Бунжикат шаҳри ҳисобланган. Шаҳар майдони 6 - 8 км атропоиди бўлган, уйлар ва бошқа иморатлар паҳса ва ёғочдан қурилган бўлган, шаҳар икки қатор девор билан ўралган. Шаҳарда саройлар, уй жойлар, боғлар, узумзорлар, масжид ва қамохона бўлган. Шаҳар деворида тўртта дарвоза Зомин, Марсманда, Нужкет ва Кахлобод йўналишида бўлган.

Уструшонанинг иккинчи йирик шаҳри Зомин бўлиб, Фарғонадан Сўғдга олиб борадиган катта йўл бўйида жойлашгандир. Ўрта аср манбаларида Зоминдан кейин Дизак тилга олинади. Ўрта асрларда Дизак работлари ва жундан тайёрланган кийимлари билан машҳур бўлган.

Археолог олимларимизнинг илмий изланишлари шуни кўрсатадики, Мирзачўлда айрим бир шаҳарлар милоддан аввалги VII ва VI асрлардаёқ мавжуд бўлган бўлиб, булар Ховос, Жиззах шаҳарларидир. А.А.Грицинанинг таърифича қадимий “Ховос ва Жиззах шаҳарлари милоддан олдинги асрлардаёқ, ҳаттоки Александр замонасигача, Буюк Ипак йўлида жойлашган

бўлиб антик ва илк ўрта асрларда ҳам ўз фаолиятини давом эттирган”[1, 5с].

Мирзачўлдаги Жиззах, Зомин каби шаҳарларнинг қадимдан то ҳозирги кунгача тараққиёти давом этаётганлигига сабаб бунга уларнинг иқтисодий географик ўрнининг (ИГЎ) нисбатан қулайлиги ҳам сабаб бўлган. Жиззах шаҳрининг ИГЎни қулайлиги иқтисодий райондаги энг йирик шаҳарлардан бири бўлишига олиб келди.

Мирзачўл иқтисодий районидаги шаҳар аҳоли манзилгоҳларининг тарихи минг йилликларни ўз ичига олсада, бироқ замонавий урбанизациянинг ривожланиши XX асрда содир бўлди. Шунингдек қадимда иқтисодий район шаҳарлари Республиканинг бошқа шаҳарлари сингари анъанавий савдо ва хунармандчилик асосида ривожланиб келган. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, шаҳарларнинг транспорт, саноат, табиий ресурс, каби омиллар асосида шаклланиши кузатилди.

Мирзачўл иқтисодий райони аҳоли манзилгоҳлари, шаҳар ва шаҳарчаларнинг ривожланиши ва жойланишини 4 даврга бўлиб ўрганиш мумкин. Булар:

1. Собиқ Иттифоқ ташкил этилгунча бўлган давр (1917 йилгача.);
2. Собиқ Иттифоқ даври (1917 й-1991 й.);
3. Мустақиллик даври (1991-2009 й.);
4. 2009 йилда аҳоли сони 2000 кишидан ортиқ бўлган қишлоқ аҳоли манзилгоҳларининг шаҳарчаларга айлантирилиши даври.

Бундаги 1-даврда аҳоли манзилгоҳлари ҳамда шаҳар ва шаҳарчаларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши иқтисодий районда унчалик кўп бўлмаган. Бунга асосий сабаб қилиб иқлим шароитининг ноқулайликларини келтириб ўтиш мумкин. Бу давр узок вақтни олгани билан ўша пайтлари санокли йирик аҳоли манзилгоҳлари пайдо бўлган холос. Суғорма деҳқончилик ривожланган, дарё ва сойларнинг бўйларида, тоғли ҳудудларда ҳамда аҳоли яшаши учун қулай бўлган ҳудудларда қадимги аҳоли манзилгоҳлари шаклланган. Шаҳарлардан фақат Жиззах ва Зомин шаҳарлари мавжуд бўлган.

Чор Россиясининг Америкадан катта миқдордаги пахта толаси импортининг олдини олиш мақсадида Мирзачўлни ўзлаштириб пахта экиш мақсадида биринчи рус аҳоли манзилгоҳлари ташкил этилди. Ҳозирги Гулистон шаҳри ҳам дастлаб 2 та рус посёлкалари, яъни Духовский ва Спасский аҳоли манзилгоҳлари бирлашишидан шаклланган. Дастлаб ташкил топганида Мирзачўл посёлкаси деб юритилган, бу посёлкалар Тошкент-Самарқанд темир йўли ёқасида жойлашган эди.

Аҳоли манзилгоҳларининг шаклланишидаги 2 – даври собиқ Иттифоқ даврида Мирзачўлдаги кўриқ ерларни ўзлаштириш, янги аҳоли манзилгоҳларини ташкил этиш, ирригация инфраструктурасини

шакллантириш борасида жуда катта ҳажмдаги ишлар амалга оширигани билан ажралиб туради. Темир йўллар бўйида ташкил этилган кичик станцияларнинг баъзилари кейинчалик йирик аҳоли манзилгоҳларига айлантирилди. Бу даврда ташкил этилган аҳоли манзилгоҳларидаги ҳаёт тарзи бевосита аграр соҳа билан боғлиқ эди. Саноат ва ишлаб чиқаришнинг асосий қисми қишлоқ хужалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ёки унга хизмат кўрсатиш билан шуғулланар эди. Мирзачўлни ўзлаштириш жуда оғир кечган, кўплаб экологик ва ижтимоий муаммоларни келтириб чиқаришига қарамай, шаҳарсозлик соҳаси ва чўл ҳудудларида ижтимоий инфратузилма яратиш бўйича ҳам бир қанча тажрибалар орттирилди. Мирзачўл иқтисодий районида шаҳарлар шаклланишидаги 2-давр энг муҳим ҳисобланади. Янги ерларни ўзлаштирилиши натижасида Сирдарё вилоятида бешта шаҳар (Гулистон (1923 й), Бахт (1980 й), Сирдарё (1971 й), Ширин (1972 й), Янгиер (1957 й), Жиззах вилоятидаги олти шаҳарнинг тўрттаси Дўстлик (1983 й), Даштобод (1974 й), Гагарин (1974 й), Пахтакор (1974 й) мана шу даврда вужудга келгандир.

1991 йилдан буён Мирзачўл иқтисодий ройони ижтимоий иқтисодий ҳаётида ва шаҳарсозлик соҳасида катта ўзгаришлар амалга оширилди, лекин шаҳарлар ривожланиши бироз кечикди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2009 йил 13 мартда қабул қилинган қарорига кўра шаҳарча мақомини олиш учун ундаги аҳоли сони 2000 кишидан кам бўлмаслиги керак. Шу сабабли Мирзачўл иқтисодий районида 53 та қишлоқ аҳоли манзилгоҳларига шаҳарча мақоми берилди. Натижада, минтақада урбанизация даражаси бироз ортди. Бу аҳоли манзилгоҳларига шаҳарча мақомини беришда фақатгина аҳоли сони инobatга олинмаган балки, ҳудуддаги ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳаларининг ҳолати, инфратузилмаси, келажак истиқболда уларнинг минтақада ўсиш қутби ва марказлари вазифаларини бажара олиш каби жиҳатлари ҳам инobatга олинган. Бу эса Мирзачўл иқтисодий районида ушбу аҳоли манзилгоҳларининг, имкониятларидан унумли фойдаланиш, сарфланадиган маблағ ва ресурслардан оқилона фойдаланиш имкониятини оширади.

Ҳозирги кунда Мирзачўл иқтисодий районидаги мазкур шаҳарчаларнинг тузилиши билан шаҳар аҳоли манзилгоҳлари сони 78 та, 11 та шаҳар ва 67 шаҳарча жойлашган бўлиб, ҳудуднинг урбанизация даражаси 45,4 фоизни ташкил қилади.

**Хулоса.** Мирзачўл иқтисодий районида 2009 йилда вужудга келган янги шаҳарчаларнинг кўриниши асосан қишлоқча яшаш тарзига эгадир, бу аҳоли манзилгоҳларига шаҳарча мақомини бериш асосан келажакда ривожланиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, ташкил этилган эди. Шунинг учун ҳам

аҳоли сонининг камлиги ёки саноат ишлаб чиқариш корхоналарнинг мавжуд ёки йўқлиги каби омиллар аста секин бартараф этилиши назарда тутилган.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Эсанов Ў.С, И. Баратов, У.Алибеков, Ш. Бектурдиев. Сирдарё вилояти тарихи. Гулистон, 2010 йил. 7-8 с.
2. Грицина А. А. Археологические памятники Сырдарьинской области,-Т: 1992 йил.5 с.
3. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. 9-қисм, Т: 2005-йил.
4. stat.uz - интернет сайти.